МОВАРОУННАҲР АЛЛОМАЛАРИНИНГ ФИҚҲ ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

ВКЛАД УЧЁНЫХ МАВЕРАННАХРА В РАЗВИТИЕ НАУКИ ФИКХА

THE CONTRIBUTION OF MAWARANNAHR SCHOLARS TO THE DEVELOPMENT OF FIQH

KAMILOV Muzaffar Murodovich
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Rector, Candidate of Historical Sciences,
Associate Professor
m.kamilov@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2026/1/1

Аннотация: *Ушбу мақолада Мовароуннаҳр алломаларининг фиқҳ илми ривожидаги ўрни ва уларнинг ислом ҳуқуқшунослиги тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси бирламчи манбалар асосида илмий таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида ҳадис ва фиқҳ илмларининг минтақада шаклланиши, уларнинг институционал ва интеллектуал асослари, шунингдек, Ироқ ва Хуросон илмий мактабларининг ушбу жараёнга ижобий таъсири атрофлича баён қилинган. Икки мактаб олимларининг илмий ҳамкорлиги натижалари асрлар давомида ижобий натижа сифатида намоён бўлиб келгани изоҳланди. Шу билан бирга, Мовароуннаҳрда шаклланган илмий муҳит, мадраса таълим тизими, илм аҳлига бўлган ижтимоий муносабат ҳамда сиёсий барқарорлик каби омиллар мазкур ҳудудда фиқҳ илмининг ривожланишига муҳим замин яратгани ўз ифодасини топган.*

Мақолада Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний ва Абулайс Самарқандий каби йирик алломаларнинг ҳадисшунослик ҳамда фиқҳ илми ривожига қўшган ҳиссаси илмий нуқтаи назардан ёритилган. Хусусан, уларнинг асарлари орқали ҳадис ва фиқҳ ўртасидаги узвий боғлиқлик, назарий-ҳуқуқий қоидаларнинг амалий ҳаётга татбиқи ва ҳанафий мазҳабининг методологик асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби қиёс, истиҳсон ва ижтиҳод каби ҳуқуқий усуллардан самарали фойдаланган ҳолда назарий фиқҳни амалий қозиёт ва фатво амалиёти билан уйғунлаштиргани кўрсатилган.

Шу билан бирга, мақолада Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг минтақавий ва халқаро таъсири ҳам таҳлил қилинган. Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Усмонли ҳудудларида ҳанафий ҳуқуқ анъаналарининг тарқалишида Мовароуннаҳр уламолари мероси муҳим аҳамият касб этгани асослаб берилган. Бу жараёнда мадраса институти илмий билимларнинг узлуксиз узатилиши ва фиқҳий мероснинг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнагани қайд этилган.

Тадқиқот натижалари бўйича Мовароуннаҳр алломалари томонидан шакллантирилган илмий анъана фақат ўз даври билан чекланиб қолмагани, балки ислом ҳуқуқшунослигининг кейинги ривожига ҳам кучли таъсир кўрсатгани асосланган. Улар яратган улкан мерос фиқҳ илмини тизимлаштириш, унинг назарий ва амалий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқий тафаккурнинг бардавом ривожига хизмат қилган муҳим манба сифатида баҳоланган.

Калит сўзлар: *Мовароуннаҳр, фиқҳ, ҳанафийлик мазҳаби, алломалар, ҳадис, мотуридийлик, Бурҳониддин Марғиноний, амалий фиқҳ, қиёс, фатво, илмий мерос*

Annotation: *This article presents a scholarly analysis of the role of the scholars of Mawarannahr in the development of the science of fiqh and their significant contribution to the advancement of Islamic jurisprudence, based on primary sources. Within the scope of the study, the formation of the sciences of hadith and fiqh in the region, their institutional and intellectual foundations, as well as the positive influence of the Iraqi and Khurasani scholarly schools on this process are examined in detail. The results of the scientific cooperation between scholars of these two schools are shown to have manifested positive outcomes over the centuries. In addition, the article emphasizes that factors such as the scholarly environment that emerged in Mawarannahr, the madrasa educational system, the social respect for scholars, and political stability created favorable conditions for the development of fiqh in the region.*

The article also analyzes, from a scholarly perspective, the contributions of major scholars such as Imam al-Bukhari, Imam al-Maturidi, Burhan al-Din al-Marghinani, and Abu al-Layth al-Samarqandi to the development of hadith studies and the science of fiqh. In particular, through their works the article examines the close relationship between hadith and fiqh, the application of theoretical legal principles in practical life, and the methodological foundations of the Hanafi school of law. It also demonstrates that the Mawarannahr school of fiqh effectively employed legal methods such as qiyas, istihsan, and ijtihad, harmonizing theoretical jurisprudence with practical judicial practice and the issuing of fatwa.

Furthermore, the article analyzes the regional and international influence of the Mawarannahr school of fiqh. It substantiates that the scholarly legacy of Mawarannahr played an important role in the spread of Hanafi legal traditions in Central Asia, India, and the Ottoman lands. In this process, the madrasa institution served as a key mechanism for the continuous transmission of scholarly knowledge and the broad dissemination of the fiqh tradition.

The study concludes that the scholarly tradition formed by the scholars of Mawarannahr was not limited to their own historical period but also exerted a strong influence on the subsequent development of Islamic jurisprudence. The vast intellectual heritage they created is evaluated as an important source that contributed to the systematization of fiqh, the strengthening of its theoretical and practical foundations, and the sustained development of legal thought.

Keywords: *Mawarannahr, fiqh, hanafi school, scholars, hadith, maturidism, Burhan al-Din al-Marghinani, practical jurisprudence, qiyas, fatwa, scientific heritage*

Аннотация: *В данной статье на основе первичных источников проведён научный анализ роли учёных Мавераннахра в развитии науки фикха и их значительного вклада в становление и развитие исламского правоведения. В рамках исследования подробно рассмотрены процессы формирования наук хадиса и фикха в регионе, их институциональные и интеллектуальные основы, а также положительное влияние научных школ Ирака и Хорасана на данные процессы. Показано, что результаты научного сотрудничества представителей этих школ на протяжении веков проявлялись в виде устойчивых положительных результатов.*

Наряду с этим раскрыта роль научной среды Мавераннахра, системы медресе, общественного отношения к носителям знаний, а также факторов политической стабильности, которые создали благоприятные условия для развития фикха в данном регионе.

В статье с научной точки зрения освещён вклад таких выдающихся учёных, как Имам Бухари, Имам Матуриди, Бурхануддин Маргинани и Абулайс Самарканди, в развитие хадисоведения и фикха. В частности, на основе их трудов проанализированы взаимосвязь хадиса и фикха, применение теоретико-правовых норм в практической жизни, а также методологические основы ханафитского мазхаба. Также показано, что правовая школа Мавераннахра эффективно использовала такие правовые методы, как кыяс, истихсан и иджтихад, гармонично сочетая теоретический фикх с практикой судопроизводства и вынесения фетв.

Кроме того, в статье проанализировано региональное и международное влияние школы фикха Мавераннахра. Обосновано, что наследие учёных региона сыграло важную роль в распространении ханафитской правовой традиции в Центральной Азии, Индии и на территориях Османской империи. Отмечена ключевая роль института медресе в обеспечении преемственности научных знаний и широком распространении наследия исламской юриспруденции.

Результаты исследования показывают, что научная традиция, сформированная учёными Мавераннахра, не ограничивалась лишь своим историческим периодом, но оказала значительное влияние на последующее развитие исламского правоведения. Созданное ими богатое наследие представляет собой фундаментальный источник систематизации фикха, укрепления его теоретических и практических основ и дальнейшего развития правового мышления

Ключевые слова: *Мавераннахр, фикх, ханафитский мазхаб, учёные, хадис, матуридизм, Бурхануддин Маргинани, практический фикх, кыяс, фетва, научное наследие.*

КИРИШ

Мовароуннаҳр тарихан илм, фикр ва баҳс маркази сифатида маълум бўлган. Айниқса, ислом тамаддуни доирасида фиқҳ илмининг шаклланиши, мустаҳкамланиши ва тизимли равишда ривожланишида унинг ўзига хос ўрни бор.

Минтақада вужудга келган илмий муҳит, мадрасалар фаолияти, устоз-шогирд анъанаси ва фикрий эркинлик муҳити фақат маҳаллий эмас, балки умумислом ҳуқуқий тафаккурига таъсир кўрсатган.

Тарихий манбалар ва замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз), Уструшона (ҳозирги Жиззах), Шош (ҳозирги Тошкент) (Mukhamedov N., 2020:137-143; Mukhamedov N., 2020:4-15) каби илмий марказлар ислом ҳуқуқшунослиги равнақига муносиб ҳисса қўшган бўлса ҳам, Бухоро ва Самарқанд фиқҳ илмининг институционаллашувида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бухоро сиёсий ва илмий марказ сифатида, Самарқанд эса маданий-маърифий муҳит сифатида ҳанафий таълимотнинг тарқалишига шароит яратган (Primov S., 2024:237-240).

Бу жараёнда Абу Ҳанифа илмий мероси – ҳанафийлик мазҳаби қарашлари асосий назарий пойдевор вазифасини бажарган. Куфа мактабининг раъй ва қиёсга асосланган услуби, Абдуллоҳ ибн Масъуд анъаналари орқали шаклланган фикрий йўналиш ҳанафий методологиянинг илк кўринишларини белгилаб берган (Gezgin Y., 2021).

Мовароуннаҳрда фиқҳ ривожи якка ҳолда кечмаган. У калом, тасаввуф ва бошқа ислом илмлари билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган. Зеро, Бухоро хожагон тариқати, Самарқанд эса бир вақтнинг ўзида мотуридийлик ақида мактаби ватани ҳамдир. Бу интегратив ёндашув фиқҳни фақат амалий қоидалар мажмуаси эмас, балки кенгроқ дунёқараш тизимининг бир қисми сифатида қарор топтирган (Abdelnour M., 2022). Шу жиҳатдан, ҳанафий-мотуридий илмий анъанаси минтақа интеллектуал ҳаётининг устувор йўналишига айланган.

Мазкур ҳудуд уламоларининг таъсири кейинги асрларда ҳам сезиларли бўлган. Хусусан, мамлуклар даврида шаклланган ҳанафий ҳуқуқий тафаккури илк усмонли фиқҳ тадқиқотларига таъсир этгани таъкидланади (Karadağ B., 2019). Бу эса Мовароуннаҳр илмий мактабининг таъсири минтақавий доирадан анча кенг эканини кўрсатади. Шунингдек, Ҳусомуддин Сиғноқий каби алломалар туркий дунёда ҳанафий-мотуридий анъанасини мустаҳкамлаган бўлса (Shalkarov D. ва б., 2016:122-

125), “устоз”, “суннат қиличи” номлари билан танилган Абу Фазл Муҳаммад ибн Абу Қосим Бабжук Хоразмий Баққолий сингари фақиҳлар асарлари орқали ҳанафий фиқҳ ғояларининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган (Koç E., 2023: 482-490).

Шу боис бугунги кунда ислом ҳуқуқи масалалари муҳокама қилинганда, айнан ҳанафийлик анъаналари ва унинг Мовароуннаҳрда шаклланган илмий мероси муҳим манба сифатида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат мазкур ҳудуднинг фиқҳ тарихида тутган ўрнини яна бир бор чуқур ўрганиш заруратини кўрсатади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг шаклланиш тарихи

Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг шаклланиши ислом цивилизациясининг илк асрлари билан боғлиқ. Мовароуннаҳр ҳудудига ислом динининг кириб келиши нафақат диний, балки ҳуқуқий тафаккур тараққиётини ҳам бошлаб берди. Илк босқичда ҳадис, тафсир ва фиқҳ илмлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланиб, кейинчалик мустақил илмий соҳалар сифатида ривожланди.

Илк даврларда ҳадис ва фиқҳ илмларининг кириб келиши

Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг шаклланиши араб фатҳлари даврига тўғри келади. Илк ровийлар саҳобалар, уларнинг шогирдлари – тобиинлар ва табаа тобиинлар орқали ҳадис ривоятлари ҳудудга кириб келган (Kamoliddin S., 2019:4539-4540). VIII асрга келиб бу жараён бирмунча тизимлашди. Ҳадис илмининг маҳаллий аҳоли томонидан кенг ўрганилиши ва ўзлаштирилиши, ҳадисшуносликнинг ривожланиши натижасида Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларда йирик илмий марказлар шаклланди (Kamoliddin S., 2019:4538-4540).

Эътиборлиси, ушбу даврларда ислом оламида мавжуд саккизта ҳадис илми мактабининг учтаси (Бухоро, Самарқанд, Насаф) Мовароуннаҳр минтақаси ҳиссасига тўғри келган. Айниқса, Бухоро ва Самарқанд ҳадис ва фиқҳ илмларининг чин маънодаги марказига айланди. Ҳадис илмининг мустаҳкамланиши фиқҳий хулосалар чиқариш жараёни учун мустаҳкам манбавий асос яратди. Шу тариқа, ҳадис илми фиқҳ назариясининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Ироқ ва Хуросон мактаблари таъсири

Мовароуннаҳр фиқҳий анъанаси ташқи илмий мактаблар таъсирида шаклланган. Хусусан, Ироқ ва Хуросон мактабларининг методологик ёндашувлари муҳим аҳамият касб этди. Ироқ мактаби ривоя усулига таяниб, нақл ва ижтиҳод қоидаларини сақлашга устуворлик берган бўлса, Хуросон мактаби дироя усулини ривожлантириб, ҳуқуқий масалаларни назарий жиҳатдан тизимлаштиришга эътибор қаратган (Imran H., Lawang K., 2022: 142-150).

Абу Ҳанифа асос солган мазҳаб Ироқ мактаби анъаналарига таянган ҳолда ривожланган. Ушбу таълимот Хуросон орқали Мовароуннаҳрга кириб келган (Primov S., 2024:237-240). Натижада, мазкур ҳудудда ҳанафийлик фиқҳи мустаҳкам илмий пойдеворга эга бўлди.

Шу билан бирга, шофиийлик фиқҳ мазҳаби вакиллари ҳам Хуросонда фаолият юритган. Масалан, Қози Ҳусайн Марваррудий ижмоъ масалалари бўйича назарий қарашларни илгари сурган (Eşit D., 2019). Бу эса минтақада эътиқодий бағрикенглик тамойиллари қатъий амал қилиб, мазҳабларараро илмий мулоқот мавжуд бўлганини кўрсатади.

Маҳаллий илмий муҳит ва ижтимоий шароит

Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг барқарор ривожланишида маҳаллий илмий муҳит ва ижтимоий шароит муҳим омил бўлган. Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари нафақат диний, балки маданий марказ сифатида ҳам танилган (Primov S., 2024:237-240). Сиёсий ҳокимият томонидан илм аҳлига нисбатан ижобий муносабат, улар илмий-ижодий ишларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ва мадраса тизимининг ривожланиши фиқҳ илмининг институционаллашувига хизмат қилган.

Илмий баҳслар ва турли мактаблар ўртасидаги фикрий алмашинув фиқҳни кенг қамровли ҳуқуқий тизим сифатида шакллантирди (Stewart D., 2018:138-150).

Қуйидаги жадвал Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг шаклланиш босқичларини умумлаштирилган тарзда кўрсатади:

1-жадвал

Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Босқич	Асосий хусусият	Илмий манба
Илк босқич (VIII аср)	Ҳадис ривоятининг кириб келиши ва илм марказларининг шаклланиши	Kamoliddin S., 2019:4538-4540
Методологик шаклланиш	Ироқ ривоя ва Хуросон дироя усуллари таъсири	Imran H., Lawang K., 2022: 142-150

Мазҳабнинг мустаҳкамланиши	Ҳанафий мазҳабнинг устуворлиги	Primov S., 2024:237-240
Илмий интеграция	Фиқҳнинг калом ва бошқа илмлар билан уйғунлиги	Stewart D., 2018:138-150

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрда фиқҳ илмининг шаклланиши кўп босқичли, мураккаб ва ўзаро таъсирларга бой жараён бўлиб, у илк ҳадис анъаналаридан бошланиб, Ироқ ва Хуросон мактаблари таъсирида ривожланган ҳамда маҳаллий илмий муҳит шароитида мустақил ва барқарор ҳуқуқий мактаб сифатида қарор топган. Бу жараён кейинги асрларда ҳанафийлик фиқҳнинг кенг ҳудудларда тарқалишига етарлича замин яратган.

Мовароуннаҳр алломалари ва уларнинг фиқҳ илмидаги ўрни

Ироқда ташкил топган Ҳанафий мазҳаби Мовароуннаҳрга икки йўл орқали кириб келган. Биринчи йўл бевосита, Ироқда яшаган мазҳаб асосчиларидан уларнинг Балхда яшаган шогирдлари орқали, хусусан, Абу Бакр ал-Жузжоний орқали Самарқандга кириб келган. Иккинчи йўл эса бевосита, мазҳаб асосчиларидан тўғридан-тўғри Мовароуннаҳр диёрига, яъни Абу Ҳафс ал-Кабир Бухорий орқали Бухорога олиб келинади. Бухоро фиқҳ мактабининг шаклланишида Абу Ҳафс ал-Кабирнинг ўғли Абдуллоҳ ҳам катта хизматлар қилган. Шу сабабли уни “Абу Ҳафс ас-Сағир”, яъни “кичик Абу Ҳафс” деб аташган. Шунингдек, Абдуллоҳ Субазмунийнинг (872-952), унинг шогирди Муҳаммад ибн Фазл Бухорий (ваф. 991-й), Ҳоким Шаҳид (855-945) номи билан танилган Муҳаммад ибн Муҳаммад Аҳмад Марвазий, Бухоронинг йирик “етти қози”сидан бири Абу Зайд Дабусий (978-1039) нафақат Бухорода балки Мовароуннаҳрда ислом ҳуқуқшунослиги ривожида алоҳида шахс ҳисобланади. Булардан ташқари, Бухоро фиқҳ мактабининг шаклланиши ва ривожланишига Шамсул-аимма Ҳалвоний (ваф.1057), Шамсулаимма Сарахсий (1009-1088), Садруш-шариа ва Шамсул-аимма Заранжарий каби олимлар катта ҳисса қўшдилар (Elmurodov R., https://bukhari.uz/?p=1022).

Мовароуннаҳр илмий муҳити фақат мактаблар ёки марказлар билан эмас, балки муайян шахслар фаолияти билан ҳам белгиланади. Айрим алломаларнинг мероси шунчалик мустаҳкам пойдевор бўлдики, уларсиз ҳанафийлик фиқҳи тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Имом Бухорийнинг ҳадис ва фиқҳ муносабатига таъсири

Имом Бухорий ислом илмлари тарихида ҳадис илмининг энг нуфузли намояндаси сифатида эътироф этилади. Унинг “Саҳиҳул Бухорий” асари Қуръондан кейинги энг ишончли манба сифатида қабул қилинган.

Имом Бухорийнинг асосий хизмати шундаки, у ҳадисларни тўплаш ва танқидий саралаш орқали фиқҳий ҳукмлар учун мустаҳкам манбавий база яратди. У энг ишончли ровийлардан саҳиҳ ҳадисларни тўплади, уларни иснод ва матн жиҳатидан синчиклаб текширди ва шундан кейингина эълон қилди (Obeid S. ‘Moh’d S., & Saleh Hussein, F., 2023:45-60). Бу ёндашув фиқҳ илмида далилнинг сифат мезонини белгилаб берди.

Шу тариқа, ҳадис ва фиқҳ ўртасидаги боғлиқлик назарий эмас, балки манбавий жиҳатдан мустаҳкамланди. Имом Бухорийнинг услуби фиқҳий ижтиҳодда ҳадиснинг устувор манба эканини янада кучайтирди (Saifnazarov I. ва б., 2020:1847-1850).

Имом Мотуридийнинг ақида ва фиқҳ уйғунлигидаги қарашлари

Имом Мотуридий Мовароуннаҳрда ақидавий ва ҳуқуқий тафаккур уйғунлигини таъминлаган йирик мутафаккир сифатида намоён бўлади. У асос солган мотуридийлик ақидавий таълимоти калом илмига нақл ва ақлий далилларни ҳамоҳанг қўллаш тамойилини олиб кирди. Бундан нақл, яъни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар устувор бўлиб, ақл ёрдамчи восита сифатида қабул қилинган.

Бу ёндашув ҳанафийлик фиқҳининг раъй ва қиёсга таянувчи методологияси билан уйғунлашди. Натижада, ҳуқуқий қарорлар фақат нақлга эмас, балки ақлий таҳлилга ҳам асосланди (Primov S., 2024:237-240).

Имом Мотуридий қарашларида эътиқод ва амал бир-бирини тўлдирувчи тизим сифатида талқин қилинади. Бу эса фиқҳни фақат амалий қоидалар тўплами эмас, балки дунёқараш билан боғлиқ яхлит тизим сифатида шакллантиришга хизмат қилди.

Бурҳониддин Марғиноний ва “Ал-Ҳидоя” асари

Бурҳониддин Марғиноний ҳанафийлик фиқҳини тизимлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Унинг “Ал-Ҳидоя” асари ҳанафийликнинг энг муҳим қомусий манбаларидан бири ҳисобланади (Ghani U., 2019:100-105).

“Ал-Ҳидоя”да фиқҳий масалалар тизимли тарзда баён қилиниб, далиллар билан асосланади. Асар асрлар давомида шарҳ ва ҳошиялар ёзилиши орқали янада мустаҳкамланди (Zorlu H., 2021:140-

155). Кейинги муҳаққиқлар, жумладан, ҳадисларнинг манбавий даражасини аниқлаш орқали асарнинг далилий асосини кучайтирди (Ghani U., 2019:100-105).

Шу жиҳатдан, Марғиноний ҳанафийликни назарий ва амалий жиҳатдан яхлит тизимга солган мутафаккир сифатида баҳоланади.

Абу Лайс Самарқандий ва амалий фиқҳ

Абу Лайс Самарқандий ва бошқа Мовароуннаҳр уламолари амалий фиқҳ ривожида муҳим роль ўйнаган. Уларнинг фаолияти назарий қоидаларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган.

Бу уламолар фиқҳни жамият эҳтиёжларига мослаштириш, фатво амалиётини такомиллаштириш ва ҳанафийлик қоидаларни маҳаллий шароитга татбиқ қилишда фаол иштирок этган (Primov S.U., 2024:237-240). Шунингдек, Абу Ҳафс Насафий каби алломалар ҳам мазҳаб анъанасини мустаҳкамлашда беқиёс хизмат қилган (Badr S.A., 2021).

Амалий фиқҳда назария ва ҳаёт ўртасидаги мувозанат айни шу уламолар фаолияти орқали таъминланган.

Умуман, Мовароуннаҳр алломаларининг фаолияти фиқҳ илмининг турли босқич ва йўналишларини қамраб олган. Айримлари манбавий асосни мустаҳкамлаган бўлса, бошқалари назарий тизимни шакллантирган, яна бир қисми уни амалий ҳаётга татбиқ этган. Шу жиҳатдан, уларнинг хизматини умумлаштирилган ҳолда қиёсий тарзда ифода этиш мақсадга мувофиқдир.

2-жадвал

Мовароуннаҳр алломаларининг фиқҳ илми ривожига қўшган ҳиссаси

Аллома	Асосий ҳисса	Фиқҳ илмига таъсири
Имом Бухорий	Ҳадисларни энг ишончли услубда танқидий жамлаш	Фиқҳ учун ишончли манбавий асос яратди
Имом Мотуридий	Ақида ва ақлий таҳлил	Эътиқод ва фиқҳ уйғунлигини таъминлади (имон ва амал изчиллигини исботлади)
Бурҳониддин Марғиноний	“Ал-Ҳидоя”-нинг ёзилиши	Ҳанафийлик фиқҳини тизимлаштирди
Абу Лайс Самарқандий	Амалий фиқҳ ва фатво чиқаришдаги ўзига хос услуб	Назарияни ижтимоий амалиётга татбиқ этди

Мазкур алломалар фиқҳ илмининг турли қирраларини ривожлантирган ҳолда ўзаро бир-бирини тўлдирган. Манбавий асос, назарий уйғунлик, тизимлаштириш ва амалий татбиқ каби йўналишлар бир бутун жараённинг таркибий қисмларидир. Шу маънода, Мовароуннаҳр илмий анъанаси фақат алоҳида шахслар фаолияти эмас, балки узвий ва давомий ҳуқуқий мактаб сифатида намоён бўлади.

ИЛМИЙ УСЛУБ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби фақат муайян шахслар ёки асарлар билан эмас, балки шаклланган илмий методологияси билан ҳам ажралиб туради. Бу методология манбага садоқат, ақлий таҳлил ва амалий эҳтиёж уйғунлигига асосланган. Айниқса, қиёс, истиҳсон ва ижтиҳод каби усуллар ҳанафий анъанада фиқҳий фикр юритишнинг асосий воситалари сифатида мустаҳкам ўрин олган.

Қиёс, истиҳсон ва ижтиҳод усулларининг қўлланилиши

Қиёс (analogik қиёслаш) ислом ҳуқуқида янги масалаларга ҳукм чиқаришда асосий методлардан бири ҳисобланади. Мазкур усул Қуръон ва суннатда тўғридан-тўғри жавоб топилмаган масалаларда ҳуқуқий изчилликни таъминлашга хизмат қилади (Zani M.Q.M. ва б., 2024:65-74).

Истиҳсон эса қиёс натижаси қийинчилик ёки адолатсизликка олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда ҳуқуқий енгиллик ва адолатни таъминлаш мақсадида қўлланилади (Muslimin J.M., Kharis M.A., 2020:165-175). Бу усул ҳанафий фиқҳнинг ижтимоий мослашувчанлигини кўрсатади.

Ижтиҳод кенг маънода мустақил ҳуқуқий хулоса чиқариш жараёнини англатади. У қиёс ва истиҳсонни ўз ичига олади ҳамда янги ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда асосий восита бўлиб хизмат қилади (Iqbal M., 2022:224-240; Rozihan, 2024:2-11). Ижтиҳоднинг мавжудлиги фиқҳни динамик ва замон билан ҳамқадам тизимга айлантиради.

Фатво ва қозилик амалиётида назария ва амалиёт уйғунлиги

Фиқҳ назарияси фатво ва қозилик тизимида ўзининг амалий ифодасини топган. Фатво – муфтий томонидан берилган ҳуқуқий хулоса бўлиб, у мажбурий кучга эга бўлмаса-да, жамиятда ҳуқуқий йўналиш белгилашда муҳим аҳамият касб этган (Pelu I.E.A., 2019).

Ифтаъ амалиёти тарихий жараёнда индивидуал фаолиятдан институционал шаклга ўтган (Yakar

E., 2021). Кейинчалик жамоавий фатво чиқариш амалиёти шаклланиб, ҳуқуқий қарорларнинг изчиллиги ва нуфузи ошган (Yakar E.E., 2021: 327-330).

Қозилик амалиёти эса назарий қоидаларни амалий ҳуқуқий қарорларга айлантирган. Бу жараёнда фиқҳий қоидалар ижтимоий шароитга мослаштирилган ва адолат мезонлари ҳисобга олинган. Шу тариқа, назария ва амалиёт ўртасида мувозанат таъминланган.

Фиқҳий манбаларни шарҳлаш ва ҳошия ёзиш анъанаси

Мовароуннаҳр илмий муҳитида шарҳ ва ҳошия ёзиш анъанаси алоҳида ўрин тутади. Бу анъана орқали асосий матнлар кенгайтирилган, тушунтирилган ва баъзан танқидий таҳлил қилинган. Ҳошиялар матндаги муаммоли нуқталарни изоҳлаш, атамаларни шарҳлаш ва баҳсли масалаларни очиш вазифасини бажарган (Alizadeh Birjandi ва б., 2025:7-14).

Бу жараён фиқҳ илмининг узлуксиз ривожланишига хизмат қилган. Чунки ҳар бир шарҳ ва ҳошия илмий мулоқотнинг давомийлигини таъминлаган. Натижада, фиқҳий манбалар фақат сақланиб қолмаган, балки янги шароитларга мос равишда қайта талқин қилинган.

Қуйидаги жадвал методологик йўналишларни умумлаштиради:

3-жадвал

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг методологик хусусиятлари

Йўналиш	Асосий мазмун	Илмий аҳамияти
Қиёс	Аналогик хулоса чиқариш	Янги масалаларга ҳуқуқий изчиллик таъминлайди
Истиҳсон	Адолат ва енгилликни кўзлаш	Қатъий қиёс натижасини юмшатади
Ижтиҳод	Мустақил ҳуқуқий фикр юритиш	Фиқҳни динамик тизимга айлантиради
Фатво ва қозилик	Назарияни амалиётга татбиқ этиш	Жамиятда ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди
Шарҳ ва ҳошия	Матнларни таҳлил ва изоҳ қилиш	Илмий мероснинг узлуксизлигини таъминлайди

Шундай қилиб, Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг илмий услуби манбага таяниш, ақлий таҳлил ва ижтимоий мослашувчанлик уйғунлигига асосланган. Бу методология фиқҳни фақат ҳуқуқий қоидалар мажмуаси эмас, балки давомий равишда такомиллашиб борувчи илмий тизим сифатида намоён қилади.

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг минтақавий ва халқаро таъсири

Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби нафақат маҳаллий илмий муҳит доирасида, балки кенг географик ҳудудларда ҳам ўз таъсирини намоён этган. Самарқанд ва Бухоро каби марказларда шаклланган ҳанафийлик анъаналари шу юрт алломаларининг илмий асарлари, шунингдек, минтақада ривожланган мадраса институти таълим жараёнлари воситасида Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Усмонлилар давлатининг ҳуқуқий-илмий тизимига чуқур сингиб кетди.

Марказий Осиёга таъсири

Ҳанафийликнинг Мовароуннаҳрда мустаҳкамланиши Аббосийлар даврида унинг кенг кўламда қўллаб-қувватлангани билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат минтақада ягона ҳуқуқий анъананинг шаклланишига замин яратди (Primov S., 2024: 240-245). Исломлашув жараёнида нажжорийлик, карромийлик, муътазилийлик ва мотуридийлик каби калом мактаблари билан ўзаро мулоқот фиқҳий фикрнинг мазмунан бойишига олиб келди (Primov S., 2024: 242-245).

Шу тариқа, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби Марказий Осиёда ҳуқуқий барқарорлик ва мазҳабий уйғунликни таъминловчи асосий омиллардан бирига айланди.

Ҳиндистон ҳудудларига таъсири

Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги тарихий алоқалар, айниқса, туркий сулолалар даврида, илм ва ҳуқуқий анъаналарнинг кўчишига хизмат қилди (Tewari-Jassal S., Turan H., 2018). Ҳинд-Покистон минтақасидаги мадраса тизими классик фиқҳий ва калом илмига оид манбаларни ўқитиш орқали ҳанафий меросни сақлаб қолди ва ривожлантирди (Moosa E., 2015).

Мадрасалар нафақат таълим муассасаси, балки ижтимоий-ҳуқуқий онгни шакллантирувчи марказ сифатида фаолият юритди. Шу маънода, Мовароуннаҳр фиқҳ анъанаси Ҳиндистондаги ҳуқуқий тафаккурнинг институционал асосига айланди.

Усмонлилар давлати ҳудудларига таъсири

Усмонлилар давлати ҳанафий мазҳабини расмий ҳуқуқий тизим сифатида қабул қилгани маълум (van den Boogert M.H., 2021:3-10). Бу танлов тасодифий эмас эди. Чунки ҳанафийлик давлат бошқаруви ва қозиёт амалиёти учун қулай ва тизимлашган ҳуқуқий механизмни тақдим этди.

Усмонлилар мадрасалари ўрта асрлардаги ислом таълим тизимининг давомчиси сифатида фаолият кўрсатиб, фиқҳ илмининг институционал тарқалишини таъминлади (Fındıklı B., 2022:131-139). Кейинги ислоҳот даврларида ҳам анъанавий фиқҳий таълим янги ҳуқуқий мактаблар билан бир қаторда сақланиб қолди (Çeliktaş H.S., 2024: 200-210).

Бу ҳолат Мовароуннаҳрда шаклланган илмий моделнинг узоқ муддатли таъсир кучига эга бўлганини кўрсатади.

Мадраса тизими орқали илмий мероснинг тарқалиши

Мадрасалар ислом цивилизациясида олий таълим маркази сифатида фиқҳ ва бошқа диний илмларнинг узвий тарзда узатилишини таъминлаган (Kaya B.S., 2022: 248-255). Улар турли мазҳаб вакиллари учун очиқ бўлиб, илмий мулоқот ва фикрий мероснинг давомийлигини таъминлаган.

Мовароуннаҳрда, кейинчалик, Усмонлилар давлатида мадрасалар Европа ўрта аср университетларига қиёсланадиган даражада юқори таълим муассасаси сифатида шаклланган (Fındıklı B., 2022: 130-140). Кейинчалик таълим ислоҳотлари жараёнида табиий ва ижтимоий фанларнинг ўқитилиши жорий этилган бўлса-да, фиқҳ таълими ўз марказий ўрнини сақлаб қолган (Gürüz K., 2012:204-210; Atam S., Can O., 2025).

Шундай қилиб, мадраса тизими Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг минтақавий ва халқаро миқёсда тарқалишида асосий институционал восита вазифасини бажарди.

4-жадвал

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг минтақавий таъсири

Минтақа	Таъсир шакли	Асосий механизм	Илмий натижа
Марказий Осиё	Ҳанафийликнинг устуворлиги	Аббосийлар қўллови, маҳаллий уламолар	Ҳуқуқий барқарорлик ва мазҳабий уйғунлик
Ҳиндистон	Фиқҳий мероснинг ўқитилиши	Мадраса тизими, туркий сулолалар алоқаси	Ҳанафий ҳуқуқий тафаккурнинг институционаллашуви
Усмонлилар давлати	Расмий ҳуқуқий тизим	Давлат қонунчилиги ва қозилик институти	Давлат бошқарувида тизимли ҳанафийлик фиқҳи

Умуман олганда, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби маҳаллий ҳудуд доирасидан чиқиб, бутун ислом оламида ҳуқуқий фикр ривожига таъсир кўрсатган институт сифатида намоён бўлди. Унинг таъсири фақат назарий эмас, балки институционал ва амалий характерга ҳам эга бўлгани билан аҳамиятлидир.

МУҲОКАМА

Мовароуннаҳр алломаларининг фиқҳ илмидаги ўрнини холис баҳолаш учун уни бошқа минтақалар илмий муҳити билан қиёсий кўриб чиқиш зарур. Ироқ, Ҳижоз ёки Шом ҳудудларида ҳам фиқҳ мактаблари шаклланган, улар доирасида кучли уламолар етишиб чиққан. Бироқ Мовароуннаҳрда ҳанафийлик фиқҳи нафақат таълим анъанаси сифатида, балки мукаммал илмий тизим сифатида қарор топгани билан бошқаларидан ажралиб туради. Бу ерда фиқҳ фақат назарий баҳс эмас, балки ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи амалий қоидалар мажмуасига айланган.

Ҳудудда ҳанафийликнинг мустаҳкам илмий тизимга айланиши бир неча омиллар билан боғлиқ. Аввало, бунда сиёсий барқарорлик ва давлат даражасидаги ҳомийлик, қўллаб-қувватлов муҳим роль ўйнаган. Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлар нафақат савдо, балки илм марказига айланган. Илм аҳлига эҳтиром, мадраса тизимининг изчиллиги ва қозилик амалиётининг тизимлашгани фиқҳни жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирган. Шу жиҳатдан қаралганда, Мовароуннаҳрда шаклланган муҳит Ироқ мактабининг меросини қабул қилган ҳолда, уни янада тартибли ва методологик жиҳатдан мукаммаллаштирган, дейиш мумкин.

Бошқа минтақалар билан қиёс этилганда яна бир жиҳат кўзга ташланади: Мовароуннаҳр уламолари назария ва амалиёт ўртасидаги мувозанатни сақлашга алоҳида эътибор берган. Масалан, фақат қиёсий фикр юритиш ёки матнга боғланиб қолиш эмас, балки ижтимоий эҳтиёжларни инобатга олиш амалиёти кенг қўлланилган. Бу эса ҳанафийлик мазҳабининг мослашувчанлигини оширган. Шу нуқтаи назардан, Мовароуннаҳр тажрибаси ҳозирги ҳуқуқ тизимларидаги “қонун ва унинг қўлланилиши” ўртасидаги муносабатга маълум даражада ўхшайди.

Назарий фиқҳ билан амалий қозилик институти ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш ҳам муҳим. Қози қарор чиқарар экан, у фақат матнга таянмайди, балки мазҳаб доирасида шаклланган усул ва ижтиҳод анъанасига суянади. Бу эса фиқҳни жонли ва ҳаракатчан тизим сифатида намоён қилади.

Замонавий ҳуқуқ тизимларида ҳам суд амалиёти қонунни талқин қилиш орқали унинг мазмунини бойитади. Бироқ фарқ шундаки, ислом ҳуқуқида ахлоқий ва эътиқодий омиллар ҳуқуқий қарорнинг ички мазмунига чуқур сингдирилган.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби фақат минтақавий ҳодиса эмас, балки ислом ҳуқуқ тафаккурининг шаклланишида ҳал қилувчи босқичлардан бири бўлган. Унда шаклланган назария-амалиёт уйғунлиги, илмий интизом ва ижтимоий масъулият тамойили бугунги кунда ҳам тадқиқотчилар учун долзарб аҳамият касб этади.

НАТИЖА

Тадқиқот натижасида Мовароуннаҳр алломаларининг фиқҳ илмидаги ўрни ва ҳиссаси аниқ кўринмоқда. Улар сермаҳсул фаолияти орқали, биринчидан, диний билимларни тадқиқ қилиб, сақлаб қолган. Иккинчидан, уларни илмий ва амалий жиҳатдан тизимлаштирган. Учинчидан, назарий қарашлар ва қонуний усулларни интеграция қилиш орқали мутлақо янги босқичга олиб чиққан.

Мовароуннаҳр уламолари қиёс, истиҳсон ва ижтиҳод каби услубий ёндашувларни кенг қўллаб, назарий фиқҳни амалий қозиёт ва фатво амалиёти билан уйғунлаштирган. Шу тариқа, улар нафақат ҳанафийлик мактабини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган, балки унинг минтақавий ва халқаро таъсирини ҳам мустаҳкамлаган.

Шу билан бирга, улар томонидан яратилган илмий анъаналар, жумладан, ҳошия ёзиш ва манба таҳлили усуллари асрлар давомида тадқиқотчилар томомнидан қозиёт амалиётида қўлланиб келмоқда. Бу эса Мовароуннаҳр мактаби фиқҳ илмининг давомий ривожланиши ва замонавий ҳуқуқий таҳлиллардаги аҳамиятини янада кучайтиради.

ХУЛОСА

Мовароуннаҳр алломалари ислом ҳуқуқшунослиги тарихида ўзига хос ва алоҳида ўринга эга. Улар томонидан шакллантирилган илмий анъана ва услубий ёндашувлар нафақат ўз даврида, балки асрлар давомида фиқҳ илмининг ривожланишига йўл очди.

Бугунги кунда ҳам уларнинг мероси ҳанафийлик фиқҳининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишда муҳим манба сифатида қўлланилмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Abdelnour, M. G. (2022). The higher objectives of Islamic theology: Toward a theory of Maqasid al-Aqida. Oxford University Press.*
2. Alizadeh Birjandi, Z., Malekzadeh, E., & Naseri, A. (2025). Annotating manuscripts from a functional and content point of view Subject of study: translated manuscripts. *Journal of Codicology and Manuscript Research* (In persian: Pizhūhish/hā-yi nuskhah/shināsī va taṣḥīḥ-i mutūn), 4(1), 5-38.
3. Atam, S., & Can, O. (2025). Developments in Education during the Modernization Era of the Ottoman Empire and The Educational Status of Ottoman Bureaucrats from Pristina. *Hist. Views (Historijski Pogledi*), 8, 69.
4. Badr, S. A. (2021). Abu Hafs Al-Nasafi (d. 537 AH/1142 CE) (Historical Study). International Journal of Early Childhood Special Education, 13(2).
5. Çeliktaş, H. S. (2024). Muallimhâne-i Nüvvâb: Osmanlı Devleti'nde Medreseden Farklı Yeni Hukuk Eğitiminin Öncüsü. İslam Tetkikleri Dergisi, 14(1), 199-288.
6. Eşit, D. (2019). Al-Qadi Husayn al-Marwarrudhi's understanding of ijma'. *Cumhuriyet Dental Journal*.
7. Fındıklı, B. (2022). Rethinking ancient centers of higher learning: madrasa in a comparative-historical perspective. British Journal of Educational Studies, 70(2), 129-144.
8. Gezgin, Y. E. (2021). Aswad b. Yazid (d. 75/694) and its place in the history of fiqh. *Islam Tetkikleri Dergisi*.
9. Ghani, U. (2019). Justifying the Role of Prophetic Narration in Ḥanafī Jurisprudence. The Case of al-Zaylaʿī's (d. 762/1361) Naṣb al-rāya as a Ḥadīṯ Companion to al-Marġīnānī's (d. 593/1197) al-Hidāya. MIDÉO. Mélanges de l'Institut dominicain d'études orientales, (34), 99-109.
10. Gürüz, K. (2012). Turkey: Obstacles to and examples of curriculum reform. In Confronting Challenges to the Liberal Arts Curriculum (pp. 201-225). Routledge.
11. Imran, H., & Lawang, K. A. (2022). Development of the Shafi'iyyah Fiqh Thought Pattern and the Role of al-NawawÄ «as a Unifier. Al-Istinbath: Jurnal Hukum Islam, 7(1 May), 141-160.
12. Iqbal, M. (2022). Concluding Remarks: Qiyās and Contemporary Models of Parallel Reasoning. In Arsyad al-Banjari's Insights on Parallel Reasoning and Dialectic in Law: The Development of Islamic Argumentation Theory in the 18th Century in Southeast Asia (pp. 223-244). Cham: Springer International Publishing.
13. Kamoliddin, S. (2019). The infancy and development of hadith in central Asia. International Journal of Recent Technology and Engineering, 8(3), 4537-4541.
14. Karadağ, B. (2019). The effect of Hanafi fiqh thought on the early Ottoman fiqh studies in the Mamluk period. *Cumhuriyet Dental Journal*.
15. Kaya, B. S. (2022). Spatial organization of social order between political and civil elite: Four different madrasa examples in Mamluk's Cairo. Darulfunun Ilahiyat, 33(1), 247-277.

16. Koç, E. (2023). Identification of the Hanafī Jurist Referred to as al-Baqqālī and Some of His Fiqh Ideas. Cumhuriyet Ilahiyat Dergisi, 27(2), 480-503.
17. Moosa, E. (2015). What Is a Madrassa? Edinburgh: Edinburgh University Press.
18. Muslimin, J. M., & Kharis, M. A. (2020, December). Istihsan and Istishab in Islamic Legal Reasoning: Towards the Extension of Legal Finding in the Context of Indonesia. In Al-Risalah: Forum Kajian Hukum Dan Sosial Kemasyarakatan , Vol. 20, No. 2, pp. 163-179.
19. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume 02 Issue08-20.
20. Mukhamedov, Nematullo (2020) «ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1.Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/1 -P. 4-15.
21. Obeid S. 'Moh'd S., & Saleh Hussein, F. (2023). Al-Bukhari's Sources. Jordan Journal for History and Archaeology, 17(3), 44–62. https://doi.org/10.35516/jjha.v17i3.434
22. Pelu, I.E.A. (2019). Kedudukan fatwa dalam konstruksi hukum islam. El-Mashlahah Journal, 9(2).
23. Primov, S. U. (2024). Early doctrinal developments and the Islamization of Movarounnahr. Jurnal Al-Dustur, 7(2), 236-248.
24. Rozihan. (2024). Construction of prosperity in future Islamic legal thinking. *Revista de Gestao Social e Ambiental*, v.18.n.2p.1-16
25. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., & Tolibov, A. (2020). Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1846-1853.
26. Shalkarov, D., Tuyakbayeva, A., Paltore, Y., & Mukhitdinov, R. (2016). Theological, cultural and linguistic aspects of the great scholar of the Turkic world Husam al-din al-Syghnaqi. The Anthropologist, 26(1-2), 120-126.
27. Stewart, D. (2018). Developments within the Religious Sciences during the Rise and Decline of Empire. The Wiley Blackwell History of Islam, 137-157.
28. Tewari-Jassal, S. and Turan, H. (eds.) (2018), New perspectives on India and Turkey: Connections and debates, Oxon: Routledge
29. van den Boogert, M. H. (2021). Written Proof Between Capitulations and Ottoman Kadi Courts in the Early Modern Period. Turkish Historical Review, 12(1), 1-18.
30. Yakar, E. E. (2021). The Diachronic Change of the Practice of Iftā'. Islamic studies, 60(4), 325-346.
31. Yakar, E. E. (2021). Islamic law and society: The practice of iftā'and religious institutions. Routledge.
32. Zani, M. Q. M., Halim, A. A., & Ab Rahman, A. (2024). Perspectives On The Use Of Qiyas Between Imam Bukhari And Imam Syafie. Journal of Fatwa Management and Research, 29(3), 63-79.
33. Zorlu, H. (2021). Son Hidâye Şerhi Sırrı Efendi'nin Îzâhu'l-Hidâye İsimli Eseri. İslam Tetkikleri Dergisi, 11(1), 139-166.
34. Elmurodov R. Buxoro fiqh maktabining shakllanishi va allomalarining ilmiy merosi //https://bukhari.uz/?p=1022